

ГАЛЛАЧИЛИК: КУЗГИ ТАДБИРЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Уз донимиз-тотли донимиз, бебаҳо бойлигимиз. Дарҳақиқат, бугдой шундай улуг неъматки, унинг урнини ҳеч нарса боса олмайдди. У тириклик, яратувчиллик манбаидир. Сунгги йилларда республикамиз ҳукумати томонидан дон мустақиллигига эришиш йулида қўл ишлар амалга оширилди. Галлага унмудор ерлар ажратилди. Барча майдонларга сара уруғ қадалмоқда. Илгорлар тажрибаси омаллаштирилади. Жойларда уқувлар, кургазмали семинарлар ташкил этиляпти. Мақсад, — соҳада ривожланишни таъминлаш.

Ҳар эзгу ишнинг вақтида, мезорида бўлгани яхши. Жумладан, деҳқончиликда ҳам бунга жиддий аҳамият бериш керак. Шунда парвариш равон кечади. Кузлаган мўл ҳосил унади. Шу ақидага амал қилиб қўзғи дон экиш ишларини муддатда якунлаган Андижон, Наманган, Фаргона, Навоий вилоятлари далаларида майсалар бир текис бўй кўрсатиб, уеши кунгилдадек борапти. Жумладан, Фаргона ва Наманганда дон тушган майдонларнинг 90 фоиздан, Бухорода эса 85 фоиздан зиёд ерида уруғ тулик ундириб олинди.

Аммо ҳамма жойда ҳам галлачиликдаги аҳвол бирдек эмас. Баъзи жойларда экиш мавсуми чўзиб юборилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган жадвалга қўра, сугориладиган майдонларда қўзғи дон экишни ўттизинчи октябргача тугалаш керак эди. Белгиланган муддатдан мана, ярим ойдин зиёд вақт ўтди.

Ун еттинчи ноябргача 995 минг гектар ерга уруғлик солинган. Республика бўйича топириқ 99 фоизга бажарилган. Тадбир ортага сурилатгани сабаби Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида экиш ишларининг ханузгача якунланмаганидир. Масалан, шу пайтгача Қашқадарёда галлага ажратилган ернинг 96,3 фоизига, Тошкентда 98,5, Жиззахда 98 фоизига дон қадалган. Ушбу

вилоятларда катта майдонларда галла етиштирилади. Ризқ-рузимизнинг салмоқли улуши айнан шу минтақалардан олинади. Улардаги бажарилмаган фоизлар ортида эса юзлаб гектар майдонлар бор. Баракали ҳосилни қўзлаган деҳқон харақатни тезлатади. Эртага қор ёғиб совуқ тушгунча кучат узини тутиб олиши даркор. Кунлар эса утапти.

Эътироф этиш керак, бултургига қараганда сугориладиган ерларда уғитлаш, уруғнинг униб чиқиши, сугоришнинг бориши яхши. Насиб этса, 1998 йилги дон хирмонимиз янада катта бўлади. Умуман республикамиз бўйича 64 фоиздан ортиқ жойда майсалар тулик бўй кўрсатди. Парваришни жадаллатиш учун сугорилмаган далаларда сув беришни тезлатиш лозим. Шароити бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразмда асосан экишдан аввал ер шури ювилади. Шу боис у жойлар қўзғи сув талаб этмайди. Шундай бўлса-да, оби ҳаётга эҳтиёж сезилган галлазорларда сугоришни утказиш жоиз.

Шунингдек, лалми худудларга ҳам дон ташлаш кечикяпти. Фурсат эса 10 ноябргача белгиланган эди. Шу кунгача мулкдаги 310 минг гектар лалмининг салкам 200 минг гектарига галла сеппилган, ҳолос. Минглаб гектар заминга ҳали навбат етмаган. Бу борада айниқса Самарқанд (55,7 фоиз), Тошкент (54,7 фоиз), Сурхондарё (40 фоиз) вилоятларида сусткашликка йўл қўйилляпти.

Ҳа, ҳозир ҳар дақиқа ганимат. Табиат галлакорга кумаклашапти. Уруғини экиб олсин, дегандек шароит яратиб қуйибди. Шундан оқилона фойдаланайлик. Қолаверса, уни ундириб олгунча яна вақт керак. Эрта-индин майсалар қишқи уйқуга кетгунча парвариш ишларини сифатли низоёсига етказиш гоят муҳим вазифадир. Ушанда, худо хоҳласа, келгуси йили хирмонларимиз донга тулиб тошадди.

Раъшан БОБОМУХАМЕДОВ,
«Кишлоқ ҳаёти» мухбири.



Қўрғонтепа туманидаги «Қорасув» жамоа ҳўжалиги пахтакорлари ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили олиб, белгиланган марралдан анча ўзиб кетдилар. Фаргона водийсининг шимолий қисмида бу энг юқори кўрсаткичдир.

Пахтакорлар бу йилги мавсумда чигитни плёнка остига экиш усулидан фойдаланишди. Бу усул ёш гўза ниҳолларини авайлаб парвариш қилишни, маҳсус агротехника усулларини қўланишни талаб этади. Бунинг эвазига кейинчалик сув тежаллади, қўл меҳнати ва бошқа харажат-

ДАРОМАД МАНБАИ

лар қамаяди. Барча пахта майдонлари оилавий звеноларга тақсимлаб берилган, улар барча агротехника тадбирларини сифатли амалга оширишни ўз зиммаларига олган эди.

Бу ҳўжаликда оила пудрати янгилик эмас. Бу ерда асосий соҳа — уруғлик картошка етиштиришида ҳам бир неча йилдан буён оила пудратидан фойдаланилади. Шартномада кўрсатилганидан қўзғи ҳосил етиштирган деҳқонлар режадагидан ортиқча маҳсулотни ўзлари тасарруф этиб, қўшимча даромад олишади. Бу усулни пахтачиликда қўланиш ҳам яхши натижа бермоқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎЗА мухбири.

ДЕҲҚОН ҚАЛБИДА ҚУВОНЧ

Дангара тумани ҳўжаликлари далаларида йиғим-терим охирида, қўзғи-қишқи ишлар авж олдирилиб юборилди. 127 та трактор ҳосилдан бушаган майдонларнинг гузабоисини уриб-йиғиб олиб, пешма-пеш шудгор қилмоқда. Туман машина трактор парки мутахассислари техникага хизмат кўрсатишни даланинг узида утказмоқдалар. Парк ихтиёридаги 3 та «Магнум» трактори, айниқса, юксак унум билан ишлатилмоқда.

«Мулкобод» ширкатлар уюшмасининг даласида кўн қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг бошлиғи Муроджон Норматов билан бирга бордик. Шу кунги ширкатлар уюшмаси жамоаси давлатга 7417 тонна пахта топириқ, йиллик режани бажарган экан. Деҳқонлар қалбида қувонч, юзларида табассум балқиб турибди.

«Магнум» трактори ҳайдовчиси Муҳаммаджон Абдуллоевни суҳбатга чорладик.

— Хорижий тракторнинг иш унуми қандай?

— Бу тракторда ишлаш жуда қулай. Сменадошим Собиржон Жўраев билан ҳар кун 20-25 гектар майдонни чуқур ва сифатли шудгор қилмоқдамиз. Ширкатлар уюшмаси раҳбарлари механизаторларга қулай шароит

яратмоқда, бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Шудгорлаш олдида ҳар бир тракторчига бир қопдан ун, окмой беришди. Мавсумда камда 300 гектар ерни сифатли шудгор қилиб бериш ниятим бор.

— Бу йил туманда 6730 гектар майдон қўзғи шудгор қилинади, — дейди бошқарма бошлиғи Муроджон Норматов, — шу кунгача 2456 гектар ер шудгор қилинди. 13000 гектар майдоннинг шури икки мартаба ювилади. Ҳозир пол олиниб, шўр ювиш, яхоб бериш ишлари бошлаб юборилди.

Халқимизда эрта эккан, эрта уради, деган ҳикматли мақол бор. Бу йил агротехник тадбирлар ўз вақтида, эрта бажарилди. Чигит 20 апрелга қолдирилмасдан эрилди. Тупроқ намага ундириб олинган гузалар юксак агротехника талаблари асосида парваришланди. Натижада мўл ҳосил етиштирилди. 10230 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,7 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди, Ватанга 30780 тонна оқ олтин аргумон этилди, йиллик режа ошириб бажарилди.

Пахтачиликда илгор усулларни далил жорий қилаётган Охунбобоев номи ширкатлар уюшмасининг Намиддин Шамсуддинов, Акбарали Сиддиқов, Муроджон Холматов, «Мулкобод» ширкатлар уюшмасининг Турсуной Абдуллонова,

Фаргона тумани «Гулистон» жамоа ҳўжалигидаги «Дамқул» фермер ҳўжалигида 420 бош қорамол меҳр билан парвариш қилинмоқда. Ишбилармонлар чорва қишлоғига пухта ҳозирлик кўришган. Жумладан, 800 тонна силос, 130 тонна кунжара, 60 тонна беда жамғарилди.

Фермада сутни қайта ишлаш цехи ишлаб турпти. Янги цех суткасига 2 тонна сут қайта ишлаш қувватига эга.

СУРАТДА: сут соғувчи Муножот Охунова ва Қумушхон Жалоловалар. Ш. ОЛИМОВ олган сурат. (ЎЗА).

Хабарнома

Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба ҳўжалиги пахтакорлари давлатга 7974 тонна пахта хом ашёси топириб режани ошири билан бажардилар. Пахта йиғим-терими давом этмоқда.

Ҳўжалигимизда биринчи бўлиб У. Юсупов номи бўлим (бошқарувчиси Тўйчи Пардаев) маррага етди. 1320 тонна ўрнига 1322,8 тонна хом ашё топирилди. Сўнг «Дустлик» ва А. Сулаймонов номи бўлимлар деҳқонлари зафар қўчдилар.

Тажриба ҳўжалигимиз аввалдан республика миқёсида илгор ҳўжаликлardan бири. Айниқса, техника тараққиёти, пахтачиликда комплекс механизацияни жорий қилишда етакчилик қилиб келган. Техника таъминотидаги қийинчиликларга қарамай, мавсумда 35 та пахта териш машиналари ишлатишга эришилди. Ҳосилнинг 48,7 фоизи зангори кемалар ёрдамида териб олинди.

Америкада ишлаб чиқарилган «Кейс-2202» пахта териш машинаси

ПУДРАТ БАРАКАСИ

ҳайдовчиси С. Усмонов 240 тонна, Д. Қазақов 160 тоннадан ошириб пахта териб беришди. Ўзимизнинг ХНП-1,8 русумли агрегатларда С. Шералиев 120 тоннадан ортиқ, З. Маҳкамов 100 тонна, А. Эргашев 80 тонна, В. Қирдяшев ва Ж. Қодиров 75 тоннадан хом ашё саранжомлаб хирмонга тўқинди.

Юртбошимиз деҳқончиликда оилавий пудрат усулидан фойдаланиш мақсада мувофиқдир, деб бежиз айтмади. Бизда эса оилавий пудрат, бригада пудрати қўзғи-қишқи дон бери қўлланилмоқда.

Тасарруфимиздаги деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 2928 гектарда пахта, 2057 гектар майдонда галла етиштирилади. Бу усулнинг самараси ҳар икки томон ўртасида тузиладиган шартноманинг пишиқ-пухта бўлиши ва унга қатъий амал қилинишига боғлиқ. Қўпгина бригада-ларда бу йил ҳосилдорлик ошди.

Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, деҳқончиликдаги юксалишлар натижасида 1997 йили 240.650 минг сўмлик даромад қилиниши кўзга кўринди. Шу жумладан: пахтачиликдан 140.000 минг сўм, галла сотишдан 60.817 минг сўм, бошқа соҳалардан 39833 минг сўм, 17,8 фоизлик рентабеллик билан йил якунланиши кўрилмоқда.

А. ШЕРМАТОВ,
«Ўзбекистон» тажриба ҳўжалиги раҳбари.
К. АЮПОВ,
бош ҳисобчи.

МТП: ХИЗМАТГА ҚИЗИҚИШ ОРТАПТИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Машина-трактор паркларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самаралорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги шу йил 19 мартдаги қарорига биноан қишлоқ ҳўжалигига ишлаб чиқариш техника хизмат кўрсатиш корхоналари негизда давлат ҳиссдорлик машина трактор паркларини ташкил этила бошладди.

Юқори Чирчиқ туманида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳўжаликларга шартнома асосида комплекс хизмат кўрсатувчи ана шундай жамоа пайдо бўлди. Машина-трактор парки, «Тумантехчор-васервис» ҳамда «Кишлоқ-ҳўжаликташмир» корхонаси негизда ташкил этилган мажмур давлат ҳиссдорлик жамияти низом жамғармаси 22120,8 минг сўм бўлиб, унинг 15 фоизи меҳнат жамоаси, 35 фоизи давлат қолгани қишлоқ ҳўжалик корхоналари улушидир. Шунингдек, акцияларнинг 20 фоизи эркин савдога чиқарилмоқда. Яқинда қишлоқ ҳўжалигига янги хизмат кўрсатувчи очик турла-

ти давлат ҳиссдорлик машина-трактор паркига вилоят давлат мулкни бошқариш ва ҳуқуқийлаштириш қўмитаси томонидан ордер берилди.

Машина-трактор парки ҳиссдорлик жамиятига айланганига қалар ҳам қишлоқ ҳўжалигига ишлаб чиқариш техника хизмат кўрсатиш соҳасида бирмунча ишларни амалга оширди, деҳқонлар ишончини қозониб улгурди. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсақ, шу йилнинг утган ун ойи мобайнида ҳўжаликларда шартнома асосида 21,1 миллион сўмлик механизация ишлари бажарилди, 88129 минг сўмлик турли хизматлар кўрсатилди ва бу борадаги режалар ортиги билан адо этилди. Жумладан, механизаторлар деҳқонларнинг 4900 гектар экин майдонини шудгорлаб берди, 1888 гектар майдондаги галла уриб-яңичилди. Бундан ташқари, қудратли «Магнум» тракторлари билан уч минг гектардан зиёдрок майдон экишга тайёрланди. Чорвачилик фермалари ва фермер ҳўжаликлари ҳам ишлаб чиқариш техника хизмати намунали ташкил этилмоқда. Бошқача айтганда, туманда бу йил галладан мўл ҳосил етиштирилди. Пахта тайёр-

лаш давлат буюртмаси вилаетда биринчилардан бўлиб ортиги билан удаланди.

— Машина трактор парки ташкил этилишига дастлаб ҳўжалик раҳбарлари рўйхушлик бермай қараган, қишлоқ ҳўжалик техникасини кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага беришга унчалик рози бўлмаган эди, — дейди жамият бошқаруви раиси ўринбосари Шоаҳмад Буронбоев. — Эндликда қишлоқ ҳўжалигига ишлаб чиқариш техника хизмат кўрсатиш бўйича бизнинг таклифларимизга қизиқиш ортиб бормоқда.

Жамият балансида элликдан ортиқ турли қишлоқ ҳўжалик техника воситаларининг мажмур. Дикқатга сазовор томони шундаки, уларнинг саффи замонавий машина-тракторлар билан тўлдириб бориш мисолида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда деҳқонларга техника ва сервис хизмати кўрсатиш корхоналарининг боши бирлаштирилди. Натижада мавжуд техникадан самарали фойдаланиш имконияти юзага келди.

Бир сўз билан айтганда, туманда давлат ҳиссдорлик машина-трактор парки мисолида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда деҳқонларга техника ва сервис хизмати кўрсатиш соҳаларини бирлаштирган яна жамоа шаклланиб бормоқда. Бу жамоа деҳқонларга хизмат кўрсатиш савиясини юксалтириш борасида изланаётгани янада қувончли.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЯНГИ ТОЛА ЖАҲОН БОЗОРИГА

Жомбой пахта тозалаш заводи ҳиссдорлик жамиятига ушбу тумандаги 16 та ҳўжалик ва қўшни туманлардан пахта топирилади. Корхона бир йилда 10 минг тонна саноят хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш қувватига эга. Жамоа меҳнат аҳли шунча миқдордаги хом ашёдан 2900 тонна тола, 5900 тонна чигит, 450 тонна момиқ ва 150 тонна пахта чиқити ишлаб чиқарлади.

— Агар корхонани таъмирлаш, ускуналарни янгилаш, илгич-хизматчилар учун шароит яратиш ва бошқа ички харажатларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсақ, — дейди ҳиссдорлик жамияти бош муҳандиси Тура Ақа Қувватов, — олинган фойда етмай қолгани шундан, Шубоёв жамоаси раҳбари Толиб Жомиев ташаббуси билан корхонанинг узида қўшимча тармоқлар ташкил этилди.

Жумладан, аҳоли эҳтиёжи учун ишлатиладиган пахта ишлаб чиқарувчи пехда 7 киши меҳнат қилади. Пахта чиқитини қайта ишлаш туғайли ушбу маҳсулотни сотиш натижасида бир ойда 200—300 минг сўм даромад қилаяпти. Бичиштириш пехига эса фабрикалар билан мол айирбошлаш орқали маҳсулот олиб турилибди. Бу пех ҳам бир ойда 500—550 минг сўм

фойда келтиряпти. Пехда асосан теримчилар учун этак, маҳсус қоржомалар ва қанорлар тикилади. Совун ишлаб чиқарилган пех ҳам шу йилда хом ашё билан таъминланди. Бир ойда 20—25 мингта совун ишлаб чиқарилапти. Ойига 40 тонна оҳак ишлаб чиқарилган қўшимча тармоқда ҳам 8 киши меҳнат қилаяпти.

Корхона асосан электр қуввати билан ишлайди. Илгари электр двигателлари тез

тез бузилиб, уни таъмирлаш учун катта миқдорда қамолда олиб келарди. Шу вазда электр двигателларини қайта урайдиган пех ташкил этилди. Бу билан учта илгич уринга эга бўлинди. Пойабзал ишлаб чиқарилган пехда эса 8 нафар илгич бор. Улғубек номи жамоа ҳўжалиги худудда шахсий ердამчи ҳўжалик ҳам ташкил этилган. Унда 62 бош қорамол бўлиб, шундан 14 таси соғин ситирлардир. Ердამчи ҳўжалик туғайли илгичлар ва корхона ҳисобиди билан ботқаси гушт ва сут билан таъминланапти.

Айни кунларда корхонада янги терилган пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш қў-

таринчилик қайфиятида олиб борилмоқда. Шу кунгача янги ҳосилдан биринчи нав пахта қайта ишлаб, 100 тонна тола Нидерландияга сотилди. Мавсум талабидан келиб чиқиб ҳозир бу ерда иш икки сменада ташкил этилган. Илгич-хизматчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун етарли шароит яратилган. Жумладан, улар учун қийиниш, ювиниш, дам олиш хоналари ташкил этилган. Ошхонада уч маҳал тансиқ таомлар тайёрланапти. Барча қоржова ва маҳсус кийим-кечак билан таъминланган. Уларга ҳар кун бепул сут тарқатилиб, фарзандлари 280 уринли болалар боғчасида бепул тарбияланапти.

Ана шу гаумурликдан илҳомланган корхона илгичлари қунилик иш топириқларини 1,5—2 хисса қилиб бажаришмоқда. Айниқса, смена устаси Норқул Уролов, соловчилардан Эркин Мамасолиев, Эргаш Алимов, Гўлдора Рашиданова, лар юқори иш суръати ва сифатини таъминлаб, жамоадорларига урناق бўлишапти.

Хуллас, моддий манфаатдорлик бор жойда иш суръати ҳам юқори бўлишини Жомбойдаги мажмур корхона мисолида ҳам қўриш мумкин.

Хайрулла ХАМРОЕВ,
«Кишлоқ ҳаёти» мухбири.

Яхшининг умри боқий

А Н О Р

Анорнинг гарқ пишган кезларида шоир Муҳаммаднинг еру дустлари энг сара — ҳар бири халладек анорларни олиб келишиб, шоирнинг хужрасида тукма қилишар — анорхурлик бошланиб, гурунг ҳам авжига чиқар экан. Жаннат меваси ҳисобланмиш ушбу неъматни беҳал севсам-да, уни парваришлари билмасдим. Маҳалламизда анор кучати йўқ ҳисобида эди. Тасодифи қарангки, эрта баҳорда қалдронимиз, ҳужалик раиси Қирғизбой акага дуч келиб қолдим. Ҳол-аҳвол сурашиб, сунг сўхбатимиз дала ишларига бориб тақалди. Билсам, ҳужаликда Кува анори кучати ўтказилаётган экан. Менинг жони-дилим анор эканлигини билган Қирғизбой ака ун тул анор кучати берди ва парваришлар буйича йўл-йуриқ кўрсатди.

Шундай кунларнинг бирида отамнинг туқсон ешга тулишлари муносабати билан катта айвонимизга оғайнилари — қариялар йиғилиди. Гурунг авжида. Биз хизматдамиз — чой-пой, ош, нон ташияшимиз.

Бир вақт айвон деразаси ёнидан ўтаётсам, ошпоқ соқолини хушбичим, туни қитган қария анор ҳақида гапириб қолди. Гап мазмунидан Тошкентга яқинда кучиб келганга ухшайди. Гапни машҳур маталчи Ҳожибуваннинг «Анори халладек янглиг Кувадек жаннат маконим бор» шеъри билан бошлаб, Фарғона vodiysida зур анорлар етиштирилиши, Тошкентнинг ҳеч қаеридан тузукроқ анор парваришини қурмагани билан якунлади.

Қариянинг сузлари менга қаттиқ таъсир қилди. Эҳкан анорини ҳақида жиддийроқ ўйлаб бошладим. Охири бўлмади, яна Қирғизбой акамнинг хузуруларига боришга тўғри келди. У киши мени анорзорга бошлади. Боғбон кунлиги очик йилит экан, у менга юқори ҳосил олиш сирларини тушунтириб берди. Анор кучатлари парвариши ниҳоятда нозик ва меҳнатталаб. Бу меза сояни ҳам, ҳамсонни ҳам ектирмайди. Катта бўлгач, тағидан чиққан бақчиларини қиртишлаб олиб ташлаш зарурлигини боғбон қайта-қайта уқтирди. Ундан яна шуларни ҳам уқиб олдим: қимлар-

дир анор чулла, анжир кулда деган. Бизнинг Тошкентда бунақа кул-чуллар йўқ; меҳнат қилсак жаннатмакон буладиган унумдор ерларимиз бор.

Анорнинг озиқланиши ҳам бошқачароқ. Угитни кеч кузда анор барглари тўкиб бўлиб, яъни уйқута енбошлаганидан кейин илдирилган бир метр нарига солинади. Азот-селитра кабилар унга бегона. Фақат от еки қўй гунаглири ишлатилади.

Хуллас, юқоридаги талбирларни амалга ошириб, мул ва сифатли ҳосил етиштирдим. Шунда уша қарияни эсладим-да:

— Маслаҳатингиз зарур бўлиб қолди, бирвор бизникига борсангиз, — деб уйга бошлаб келдим. Ҳовлимизга қурқ бериб гарқ пишиб етган, қишқил булик анорларни қуриб, қария хурсанд бўлиб кетди. Ҳосилини аранг кутариб турган анорларга қараб:

— Барақалла, ота угил, — дедилар ва бунақа мул ҳосилди анорни ҳеч қаерда қурмаганларини айтидилар. Иккимиз эринмай бир туллага ҳосилни санаб чиққанамизда икки юзтадан ортиқ анор бўлиб, айримларининг вази ярим килодан зиёд тош борарди. Отаҳон сирини сурадилар.

— Бу ишга сиз ердан бердингиз, — дедим. — Отамнинг туқсон ешга тулган кунларидаги ултришида айтган луқмангиз бунга сабаб бўлди. Энди мен ҳам «Анори халладек Тошкентдек жаннат маконим бор», десам булар, отаҳон!

У киши мени қучоқлаб олиб, айвонда айтган уша гаплари учун кечирим сурагандек бўлди...

Яхшининг шарофати, меҳнатнинг ҳосияти билан шундан бери дастурхонимиз кишини-езин жаннат меваси анорга тулади. Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча меҳмонларга аноримиз Ўзбекистон совғаси сифатида улашди, қанча азиз биродарларимиз, ҳатто чет элларга сафарга ҳам бизнинг ширин, лоналари ёқутдек товланувчи аноримизни олиб кетишди.

Ҳа, яхшилиқнинг умри боқий, у чегара билмайди.

Раҳимжон УБАЙДУЛЛАЕВ.



СУВ УСТИДА САБЗАВОТ

Шимолий Ҳиндистонда, Кашмир vodiysida мавжуд бўлган дарё ва кўллар устида тузукки-на сабзавотлар етиштирилишини эшитганмисиз?

Маҳаллий аҳоли шакарқамиш ҳамда сув ўтларидан соллар тўқийдилар. Сўнгера унинг устига тупроқ сепиб сабзавот экинларини ўтқаздилар. Ана шундай боғларни сугориш тўғрисида қайғурилмасам ҳам бўлади. Чунки экин сабзавотларнинг илдизлари қамиш ва сув ўтлари тўқимасидан ўтиб, кўл сувида шокилда бўлиб осилиб туради.

Оқиб юрғичи ушбу сабзавот пуштақларидан йилга икки маҳал ҳосил кўтарилади.

БОШПАНА БАҲГ

Дунёда 1200 хил пальма мавжудлиги қайд қилинган. Биргина бармоқли хурмонинг 100 нави мавжуд бўлиб, улар шарадорлиги билан ажралиб туради. Уларнинг баъзи бирларида 70 фоизгача қанд мавжуд.

Жанубий Америкада ўсадиған Рафия пальмаси ўзининг кўриниши билан эътиборни ўзига тортлади. Унинг елкадек кен барешини узунлиги ийгурма қўлоқ, эни ўн қўлоқ.

Усимлик барси ўз навабидида маҳаллий аҳоли учун қўш тўғидан, ёмғир қамчисидан асрайдиган бошпана ҳисобланади.

АНТИҚА ДАРАХТ

Набатот оламнинг серхосият томонлари барчага маълум. Қизғин шундаки, ўсимлик дунёси баъзида инсонни ҳалокатдан қутқарувчи «тез ёрдам» вазифасини ҳам ўтаб туради.

Бу борада бананлар оиласига мансуб равеналу ўсимлигини ажойиб томонларини тилга олмай бўлмайди. Унинг танасига ўткир нишли чўп битириб олинса, зўё крап жўмраги очилгандек, бир коса миқдорда муздеккина оромбахш сув оқиб чиқади. Усимликка озор берилган жой тезда битиб кетади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.



МУШТАРИЙЛАРИМИЗ САФИГА ҚЎШИЛИНГ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги Матбуот тарқатиш бўлимида «Қишлоқ ҳаёти»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Обуна бўлиш чакана савдолан харид қилишга нисбатан қулайлиги, иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Чунки обуна бўлсангиз, газетамиз ҳужалик, корхона, ташкилот ва хонадонларга мунтазам етказиб берилади.

Бу йил обуна баҳосини белгилашда худди утган йилгидек табақалаштирилган усулдан фойдаланилди. Яъни газета таҳририяти, қоғоз, босмаҳона ва бошқа харажатлар учун кетадиган маблағларга Қоратон Республикаси ҳамда вилоятларнинг ҳар бирида газета-журналларни ташвиш, тарқатишда талаб этиладиган сарф-харажатлар қушилган ҳолда якуний обуна баҳоси белгиланган.

Қадри муштарийларимиз! Келгуси йили «Қишлоқ ҳаёти» газетасини мунтазам равишда олиб турай десангиз, обуна бўлишга шошилиш.

Ҳужалик, корхона, ташкилот ва муассасалар учун индекс — 145.

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун индекс — 144.

Тошкент шаҳар Миробол туманидаги «Беҳоджон-Азизбек» хусусий фирмаси тугатилди. Давволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.



Пайн ва Пайн-Минтол — Жанубий Корея сигареталари

МАТОНАТ МАКТАБИ

Жўшқин мусиқа салоларига ҳамоҳанг қадам ташлаб, майдон узра бўғуси ёш аскарлар ўтиб бормоқдалар. Уларнинг чехрасида қатъият, али қоматларида матонат ва тетиклик. Шаҳдам қадамлар билан юриб бораётган ўқтам йиғитлар минбар ёнига яқинлашганида уларнинг қадами яна ҳам залварли, яна ҳам бардам ташланади.

Минбарда эса уларни Ватан хизматига кузатиб, «оқ йўл» тилиш учун тўлган жамоатчилик вакиллари, командирлар, ота-оналар жой олган. Бу воқеа яқинда Тошкент вилояти ёшларини аскарликка кузатиш чоғида бўлиб ўтди.

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими раис муовини Раҳимжон Солихов ва бошқалар ҳарбий хизмат чоғидаги қийинчиликларини сабр-бардош билан енгишга, командирлар томонидан берилган ҳарбий вазифаларини шараф билан бажаришга ва уларнинг мўқаддас буфаларини адо этишдаки сизат-саломатлик тиладилар.

Аскарликка ган ёшлар билан шик. — Мен, — Равшан Умаликка қақирла-Сирдарё вилоятлик» жамоа хў-жойлашган ав-лари коллежини тугатиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олдим. Армияда ҳам ҳайдовчилик қилишни истар эдим.

Урта Чирчиқ туманидан аскарликка жўнаб кетаётган қозоқ йиғити Исмомил Бежков ўз ихтиёри билан келган.

— Утга мутахассисликни билмаман, — дейди у. — Электрик, қурувчи ва пайвалдчиман. Лекин мустақил ҳаётимни аскарликдан бошламоқчиман. Чиниқшим, қийинчиликларга бардош беришни ўрганишим керак. Ота-онам мени шу ёшга елириб-ичирди, кийинтирди, ўқитди. Энди мен ўзимни ўзим элланман ва уларга ёрдам берилишим керак.

Армия — катта мактаб. Узим қозоқ бўлганим билан ўзбек ва рус тилларини ҳам она тилимдек билмаман. Армиядан кейин икки ишлар бошқармасида ишлаш ниятим бор.

Тўйтеналик Темур Рашитов ва Арслон Байрамовлар ҳам аскарликка жўнаб кетар эканлар, бундан кейинги ҳаётларини ҳарбий хизмат билан боғлашга қарор қилганликларини баён этишди. Аскарликда ўзимизга ёққан ҳарбий билим юртга кириб ўқиймиз. Келгусида зобит бўлоқчимиз. Ҳозирга қалар уч мартадан парашютда сакрадик. Демакки, дастлабки имтиҳонлардан муваффақиятли ўтдик. Худо хоҳласа, бу ёшга ҳам ота-онамиз ва дўстларимизнинг юзини ерга қаратмаймиз.

Биз ёш аскарларни ҳарбий хизматга жўнатар эканмиз, уларга соғлиқ, метиндек ирода ва яхши кайфият тилаб қоламиз. Ватан ўз фарзандларига ишонди.

Жўра МАҲМУДОВ.

ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

Андижон вилояти ҳокимлигининг таъаббуси билан Улғунор туманида 500 дан ортиқ уй қуришга киришилди. Қуриқ туманга қўшимча ишчи кучларни жалб этиш мақсадида шундай қарор қабул қилинди.

М. Эминов номидаги, «Андижон», «Истиклол», «Улғунор», «Дустлик», «Шахрихон», «Оқолтин» кооператив бирлашмаларида ва «Мингчинор» қишлоғида қулқуварлар учун уй қуриш қизгин давом этмоқда. Вилоятдаги олтита қурилиш трести ва бирлашмаси бинокорлари бу йил 320 та, келгуси йилда 200 та уйни қуриб битказиб, фойдаланишга топширадилар. Бу уйларнинг томорқа участка-

лари ва ёрдамчи ҳужалик иморатлари ҳам булади. «Андижонавтойўл», «Андижонэлектртрармоқлари», «Вилоятканали», «Вилоятгаз» бирлашмаларининг лойиҳачилари ва бинокорлари ҳам қурувчилар билан биргаликда меҳнат қилмоқда. Уларнинг меҳнати билан қулқуварларнинг янги уйларига дастлабки қунарданок сув, газ ва электр энергиясидан фойдаланиш мумкин булади, янги уйларга борадиган йўллар очилади.

Айни пайтда туман ҳужаликларига сугориш тармоқларини тозалаш, шўр ювишга тайёргарлик бошланган, қишлоқ ҳужалик техникаси ҳам янгиламоқда.

К. НИЗОМОВ, УАА муҳбири.



Ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилган полвонларимиздан бири Руслан Хинчагов. 76 килограмм вази тоифасида ҳал қилувчи беллашулда у туркиялик Ҳасан Кобокчиладан устуни келди. СУРАТДА: Р. Хинчагов (ўртада) совридорлар даврасида.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

КУРАШ

вор бўлиши. Украина ва Қозғистон полвонлари ҳам дуруст қатнашиб, иккитадан олтин медални қўлга киритишди. АҚШ, Туркия вакиллари ҳам бун қилишмади.

Умуман, Ўзбекистон мустақиллиги кубогинида иштирок этган барча полвонларда мусобақалар катта таассурот қолдирди. Келгусида ҳам иштирок этиш аҳди устивор экан-

шабинлар, спортчилар, омавий ахборот воситалари учун барча шароит муҳайё этилганлиги меҳмонларни дол қолдирди. Шу боис эркин кураш бўйича халқаро федерация биринчи вице-президенти швейцариялик Рафи Мартинетти мусобақа юксак савияда ўтказилганлиги учун ташкилотларга алоҳида миннатдорчилик билдириб, махсус ишонлар топширди.

Шу тариқа яна бир нуфузли халқаро мусобақага ўзбек диёрида тамал тошлари қўйилди.

Ш. АЛЛАМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

ҲУЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

УРУҒЛИК КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Сабзавот уруғчилигига ихтисослашган ҳужалик биринчи класс, биринчи репродукцияли пиёз, ош лавлаг, турп, қизил сабзи, ошқовоқ, pista, патисон, бодринг ва тарвуз уруғини келишилган нархларда сотади.

Уруғлик учун тулов харидорга маълум усулда амалга оширилади.

Манзилгоҳ: Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани «Хонобод» сабзавот уруғчилиги жамоа хўжалиги.

Телефонлар: код (8—37473) 41497, 41137.

ХАЛҚАРО ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Турмушнинг бошқа жаҳаларида бўлганидек, истиқлол жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам ташаббускорликка кенг йўл очиб берди. Айниқса, миллий кураш билан боғлиқ анъаналаримизни қайта тиклаш билан бир қаторда полвонликнинг халқаро миқёсда урф бўлган турларини ривожлантиришга кенг иқтидорлар очилди.

Республика эркин кураш федерацияси раҳбарлари мамлакатимизда нуфузли халқаро мусобақани уюштиришни режалаштиришганди. Ният ҳолис экан, мулдаога эришилди. 22—23 ноябрь кунлари Тошкентдаги усти ёшиқ «Юнусобод» теннис корти саҳнида Ўзбекистон мустақиллиги илк халқаро турнири ўтказилди.

Бахсларда АҚШ, Туркия, Эрон, Россия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон каби ўндан ортиқ давлатларнинг

ва Игорь Кулсев (69 кг) ўз вази тоифаларида голлиблик шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилиб, терма жамоамизга олтин медаллар келтиришди. Талъат Илҳосов (63 кг) кумуш, Дамир Захриддинов эса (54 кг) бронза медалига сазо-

лигини таъкиллашди. Айни чоқда бу мусобақаларга янги қатнашчилар олиб келишни ваъда қилишди.

Бу бежиз эмас. Ушбу мусобақа илк марта ўтказилаётганига қарамай, «Юнусобод» кортидек ажойиб қошонада кураш тушиланлиги, томо-

ХОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминотузатиш» давлат-ширкат қўмитаси «Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32 ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир уринбосари — 1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 1-36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.